

## БРОНЗА ДАВРИДА ЎТРОҚ ДЕҲҚОНЧИЛИК МАДАНИЯТИ АҲОЛИСИНING ДАФН МАРОСИМЛАРИ ВА ДИНИЙ ЭЪТИҚОДИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР (СОПОЛЛИТЕПА ЁДГОРЛИГИ МИСОЛИДА)

Каримова Д., ТДПУ аспиранти

Ўлкамизда Ислом динидан олдин амалда бўлган оташпарастлик ва зардуштийлик динига эътикод қилувчи аждодларимизнинг ўзига хос дафн маросимлари киши эътиборини жалб этади. Дафн маросимлари қиёфасида ўша давр одамларининг умумий яшаш шароити, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва диний мафқураси қай даражада ва қандай бўлганлигини кўриш мумкин. Ҳар қандай жамиятдаги турли гуруҳларнинг қарашлари ва ҳис-туйғулари уларнинг диний маросимлари орқали ифодаланади.

1969-1974 йилларда А.Асқаров Сополлитепа қишлоғида олиб борилган қазув ишлари натижасида қадимги деҳқончилик маданиятига доир қабилаларнинг диний эътиқоди ва эътикод объектлари ҳам ўрганилган. Уларнинг диний эътикод заминиди эса, оловга сиғиниш муҳим рол ўйнаган.

Бугунги кунда аждодларимизнинг кўмиш маросими билан боғлиқ одатлар катта илмий қизиқишларни уйғотмоқда. Сополли маданияти 5 та босқичда ривожланган бўлиб, унинг илк босқичи Сополлитепа манзилгоҳида олиб борилган қазув ишлари натижасида 138 та қабр ўрганилган. Бу қабрлардан турли ёшлардаги 158 та одам скелетлари учратилган. Қабрларнинг тузилиши асосан айвонли лаҳат кўринишида бўлиб, баъзан ёрма қабрлар ҳам учрайди. Ёрма қабрлар асосан болаларга тегишли қабрлардир. Қабрларга қўйилган буюмлар ўғирланмай бизгача етиб келган. Сополлитепада олиб борилган биринчи мавсум қазув ишларининг ўзида, яъни 1969 йилда 46 та қабр очиб ўрганилган. Бу ўрганилган қабрлардан 31 таси катта ёшдагиларга, 15 таси ёш болаларга тегишли бўлиб, қабрлардан 5 тасида скелетлар хумларда (10,14,15,22,32), 3 таси эса, кўзаларга солиб дафн этилган (36,37,45).

Академик А.Асқаров бундай мазорларни оташпараст қохинлар оиласига тегишли бўлиши мумкин, деган фарзани ўртага ташлайди. Бу фикрга қўшилса бўлади, негаки, Сополлитепадан топилган 158 та мазордан фақат 8 тасида шундай ҳолат кузатилиб, қолганлари ерга кўмилган. Дарҳақиқат, бундай усулда дафн этилиш зардуштийликнинг илк кўринишларидан далолат бўлиши мумкин.

Агар зардуштийлик динининг муқаддас унсурлари олов, сув, ер, ҳаво бўлишини ҳисобга оладиган бўлсак, кўмиш маросимида ҳам ерни улуғлаш сифатлари бронза даврида пайдо бўлганлигини таъкидлаш жоиз. Таниқли авестошунос олима М.Бойснинг таъкидлашича, танадан жон чиқиши билан уни ёвуз кучлар эгаллайди. Ёвуз кучлар эгаллаган жасадни эса, муқаддас ҳисобланган ерга қўйиш мумкин бўлмаган. Бунга Сополлитепадан топилган иккита қабрда марҳум ёғоч-тобутга солиб дафн этилганлик ҳолатини айтиш ўтиш мумкин. (85-89 қабрлар).

Сополли маданиятининг илк ёдгорлиги Сополлитепа манзилгоҳидаги қабрлар махсус қабристонга кўмилмаган. Уруғ жамоа аъзолари оламдан ўтса, уни ўзи яшаб турган уйнинг поли остига, девори остига ва остона остига дафн этганлар. Агар ўлган одам, яъни биринчи навбатда аёл жамоада нуфузли обрўга эга бўлса, уни уй бекаси сифатида ўчоқли хонанинг ўртасига кўмиш одати бўлган. Қабрларга қўйилган ашёвий буюмлар сони эса, унинг жамоада тутган обрўси, мавқеига қараб белгиланган. Идишларда турли хил овқат қўйилган. Бу эса марҳум ва марҳумаларнинг ўзга дунё ҳақидаги тасаввурлари билан боғлиқ эди.

Сополлитепа қабрларининг асосий қисми яқка ҳолатда кўмилган қабрлар бўлиб, 13 тасида жуфт одам скелетлари – эр-хотин қабри бўлган. 6 та ҳолатда қабрларга ҳайвонлар қўшиб кўмилган 6 та ҳолатда кенотаф мазорлар учрайди.

Сополлитепа мазорларининг деярли ҳаммаси яхши сақланган. Жасадларнинг оёқ-қўллари букланган, ёнбоши билан, боши шимолга қаратиб кўмилган. Кўпгина

мозорларда лаҳат гумбази яхши сақланганлиги учун қабр бўшлиғи ҳам бор, яъни улар тупроқ билан тўлмаган. Бир қабрда 2 – 3 тадан то 50 тагача буюмлар учрайди. Бу буюмларнинг аксарияти хилма-хил сопол идишлардир.

Сополлитепа даврида дафн этиш икки хил усулда амалга оширилган. Булар, қабрга марҳумнинг қўйилиши ва майитсиз қабрлар. Қабрга марҳум кўмилишини ҳам уч турга ажратиш мумкин. Булар, якка ҳолатда, жуфт ва одам билан бирга қўйнинг кўмилганлик ҳолати. Шу ўринда майитсиз қабрларни ҳам уч турга бўлиб кўрсатиш мумкин. Булар, марҳумсиз, кўмиш билан боғлиқ анжомлар билан кўмиш, кичик бир қўйни кўмиш ва ҳайвонларнинг жуфт кўмилганлик ҳолати.

Сополли маданиятининг кейинги босқичларидаги дафн маросимларида ўзгаришлар бўлганлиги яққол кўзга ташланади. Бу ўзгаришларга албатта уларнинг диний-мафкуравий дунёқарашларидаги ўзгаришлар таъсири кучли бўлган. Жарқўтон босқичининг Ж-II даврига келиб, умумшаҳар учун хизмат қилувчи ибодатхонанинг пайдо бўлиши бунинг ёрқин мисолидир. Бу ибодатхона оташпарастилар ибодатхонаси бўлиб, археологик қазил ишлари жараёнида, зардуштийлик дини билан боғлиқ муқаддас унсурларнинг барчаси мужассамлашганлиги аниқланган. Кўзали босқичи қабрларида ягона диний-мафкуравий марказ-ибодатхонанинг таъсири яққол кўзга ташланади. А.Аскаронинг фикрича, Жарқўтон монументал ибодатхонасининг хўжалик қисмида махсус устахоналар бўлиб, унда кўзали даврига тегишли сопол ҳайкалчалар тайёрланганлиги аниқланган. Кейинги Мўлали ва Бўстон босқичлари моддий маданиятида дашт этномаданий компонентининг таъсири кўзга ташланади. Бу давр аҳолисининг сон жиҳатдан ортиши, ишлаб чиқаришда ижтимоий ва мулкий дифференция ортиб бориши билан характерланади. Мўлали босқичида қабрга қўйилган сопол идишларнинг усти оқ ва тўқ қизил ранг билан қопланган. Қабр инвентарларининг бирданга камайиши, бронзадан митти буюмларнинг кўпайиши, кенотафларга марҳум митти кўғирчоқларининг қўйилиши, митти орастадонларнинг пайдо бўлиши кузатилади. Марҳумнинг қариндошлари махсус цилиндраконуссимон қопқоқли орастадон тайёрлатганлар. Улар қизил бўёқ билан қопланиб, бу қуёшга сиғиниш, қуёшнинг ердаги парчаси “олов”нинг муқаддас деб билганликларининг нишонасидир.

Сополли маданиятининг Бўстон босқичига келиб, дафн этиш анъаналарининг негизида янги, қадимги Бақтрия диний – маданий мафкураси ривожлана бошлади. Буни дафн маросимлари амалиётида майитни ёқиш – қуйдириш одатларининг пайдо бўлишида кўриш мумкин. (Ж-4А 32-қабр, Бўстон-3да 16-қабр).

Дафн этиш маросимининг қанчалик дабдабали бўлиши, марҳумнинг ҳаётлигидаги обрў-эътиборига, оиладаги ва жамиятда тутган ўрнига, мавқеёига қаралган. Шунга асосан марҳумни дафн этиш маросими оилавий, маҳалла ва бутун манзилгоҳ иштирокида ўтказилган, деб хулоса чиқаришига асос беради.

Юқоридагилардан кўришиб турибдики, Сополли маданиятининг илк босқичида зардуштийлик динининг айрим кўз илғамас элементлари пайдо бўлган бўлса, маданиятнинг сўнгги босқичларига тегишли мозорларда зардуштийликнинг белгилари яққол кўзга ташланади. Жарқўтон босқичига (Ж-II) келиб, бутун шаҳар аҳолисига хизмат қилувчи монументал ибодатхонанинг пайдо бўлиши ва унда зардуштийлик дини билан боғлиқ бўлган удумларнинг мужассамлашганлигини кўриш мумкин. Булар ўз даврида аҳолининг диний-мафкуравий жиҳатдан кучли эътиқодга эга бўлганликларини англатади. Қолаверса, бу маданиятлардаги қабрларнинг ўрганилиши бизга бундан 3,5 – 4 минг йил аввал илк деҳқончилик билан шуғулланган аждодларимиз ҳақида, уларнинг урф одатлари, турмуш-тарзини ҳаққоний ёритиш имконини беради.

#### Адабиётлар:

1. Аскарон А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. - Т.:Фан, 1977.

2. Асқаров А. Сополлитепа. –Т.: Фан, 1973.
3. Асқаров А, Жўрақулов М. Энеолит ва бронза даврида Ўрта Осиё. –Самарқанд: 1984.
4. Бойс М. Зороастрийцы: верования и обычаи. –М.: 1987.